ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

М.Ҳ. Абдирасулов
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ходими, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг мустақил изланувчиси

Бугунги кунда, ёшлар жамиятнинг ҳар қандай ўзгаришларга тез жавоб берадиган энг фаол қатламадир. Шу нуқтаи назардан, ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантириш иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий лифт ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 2015 йил
9 декабрдаги 2250-сонли резолюцияси мувофиқ, ҳар бир ҳукумат ўзининг ёшларга оид давлат сиёсатни ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлайди.

Мазкур ҳужжатга асосан ҳар бир давлат ўзининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда асосий йўналишлари, механизмлари ва норматив ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишди.

Ривожланган давлатларнинг ёшларга оид давлат сиёсатни ривожлантиришнинг бугунги тенденциялари таҳлили шуни кўрсатадики, ёшларга оид барча стратегия, концепцияларнинг асосий мақсади ёш авлод салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратишдир.

Биргина, Финляндияда ҳудудий миқёсда ёшларга оид давлат ишлари ва уни амалга ошириш сиёсати Таълим ва маданият вазирлиги раҳбарлигида ҳудудий давлат бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Уларнинг вазифалари қуйидаги йўналишда ишлашни ўз ичига олади, ёшларни иш билан таъминлаш орқали даромад манбаини яратиш, уй-жой, таълим олиши, соғлиқни сақлаш ва дам олиш учун сифатли
шарт-шароитлар билан таъминлаш. Шу билан бирга, улар ҳудудий мониторинг, ёшларнинг яшаш шароитларини баҳолаш ва ривожлантириш ишларини ҳам олиб борадилар. Иқтисодий ривожланиш, транспорт ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш марказлари ёшларга оид давлат сиёсати масалаларида маҳаллий ҳокимият органлари билан фаол ҳамкорлик қилади. Болалар ва ёшлар сиёсати дастури муниципалитетларга уни

маҳаллий даражада амалга ошириш қоидалари ва моделларини тақдим этади.

Бундан ташқари, кўплаб муниципалитетлар ўзларининг ёшлар дастурларини амалга оширадилар. Бандлик Иқтисодий ривожланиш бошқармаси томонидан ёшларни ишга жойлашиш учун олий таълим муассасалари битирувчилари фаол бўлишлари, мунтазам равишда бўш иш ўринлари билан танишиб боришлари, ўз касбий соҳаларидаги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари ва иш берувчилар билан боғланишдан тортинмасликлари кераклиги бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб боришади.

Финляндия тажрибаси, минтақавий ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан ёшлар учун ахборот ва маслаҳат ёрдамини (таълим, ҳуқуқий, психологик ва бошқалар) ташкил этиш нуқтаи назаридан амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Қатар давлатида

Қатарда давлатида оммавий ахборот воситалари орқали ёшларни тарбиялаш жараёни тизимлаштирилган. Айниқса, мамлакатда, дунёда ва минтақада содир бўлаётган воқеалар ҳақида ишончли маълумотларни тақдим этишга асосланган. Шу муносабат билан “Қатар Дебате Сентер” Миллий ташкилоти томонидан марказий телеканалда ижтимоий ва халқаро мавзуларда ёшларнинг фикр алмашиши учун махсус дастур очилган.

Ёшлар мунозара ҳаракатини ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қатар тажрибасидан ёшлар ривожланишининг долзарб тенденцияларини муҳокама қилиш учун минтақавий ва халқаро мулоқот майдончаларини ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, Бирлашган Араб Амирликларида (БАА) ҳукумат ёшларнинг жамият фаровонлигига ҳисса қўшишдаги масъулияти, инновациялари, роли ва қобилиятини оширишга катта эътибор қаратмоқда. Ёшлар ўзларининг истеъдодларини кашф этишлари ва ҳаётий соҳаларда иштирок этишларини рағбатлантириш учун федерал ва маҳаллий даражада институтлар яратиш орқали ўз ижодлари ва ғояларини ифода этишга даъват этилади.

БААда ёшлар сиёсатини амалга оширишга ёндашув стратегик ва қонунчилик ёндашувига асосланади, ушбу давлатда ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ва бир қатор концептуал ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ташкил этишда БАА тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Германия давлатида

Германияда давлат томонидан молиялаштириладиган ёшлар марказлари нафақат ёшларнинг бўш вақтларини ўтказиш имкониятини, балки керак бўлса, аниқ ёрдам кўрсатади. Масалан, ёшларга касбга оид маслаҳатлар олишлари ва мактабдаги можаролар ёки гиёҳванд моддалар билан боғлиқ муаммоларни қандай ҳал қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб, манзилли ишлаш ишларини олиб боради. Германия мисолида патологик қарамлик пайдо бўлишининг олдини олиш доирасида руҳий ва хулқ-атвор бузилишларининг олдини олишга қаратилган консалтинг хизматлари функцияларини кенгайтириш мумкин.

Япония давлатида

Японияда “ёшларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича дастур” мавжуд бўлиб, ушбу дастур босқичма-босқич амалга оширилиб борилади. Дастлабки босқичда болаларни боғча ёшидан бошлаб ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича дастлабки тушунчалар бериб борилади.

Кейинги босқичларда мактаб ёшидаги болаларни ҳуқуқни бузмаслик, безорилик, ўғрилик, жиноят қилмаслик бўйича, уларнинг оқибатлари бўйича ва акс ҳолда жиноятга жазо муқаррарлиги бўйича мунтазам равишда профилактика ишлари амалга оширилади. Болалигидан ҳуқуқий билимларга эга бўлган ёшлар тўғри тарбияланиб, ҳуқуқбузарлик содир этилиши олди олинади.

Япония ёшларга болалигидан ҳуқуқий саводҳонлигини ошириш тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатлар ва амалга оширилаётган ишлар натижаларидан келиб чиқиб, бironта давлатда ҳали анологи бўлмаган тажрибалар шакиллантирилди.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг фармонлари билан “Ёшлар- келажагимиз” Давлат дастури қабул қилинган бўлиб, унда ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, умуман ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги оширилиб келинмоқда.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган ёшлар билан тизмли ишларни олиб бориш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида интеллектуал соғлом рақобатни шакллантириш, талаба ва ёшларнинг билим ва салоҳиятини янада ошириш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида «Ёшлар дафтари» тизими жорий этилди.

Бундан ташқари, ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида, ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Уларнинг асосий вазифалари этиб, маҳаллаларда “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш ҳамда маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш каби вазифалар юклатилди.

Юқоридаги ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ҳар бир давлат ўзининг ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб амалга ошираётганлигини кўришимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Резолюция 2250 (2015), принятая Советом Безопасности (о молодеже, мире и безопасности).
2. Современные институты молодежной политики в Европе: история становления и развития. А.В. Соколов – председатель Общероссийской ассоциации общественных объединений «Национальный совет детских и молодежных объединений России», член Общественной палаты Российской Федерации
3. Европейская платформа международных молодежных организаций как актор гуманитарного сотрудничества. Б. Р. Асадов. Изв. Сарат. ун-та. Нов. сер. Сер. История. Международные отношения. 2016. Т. 16, вып. 2
4. Молодёжная стратегия ЕС на 2019-2027 гг.
5. Обзор принципов управления молодежной политикой» (Совет Европы и Европейская комиссия, 2021 г.),
6. Зарубежный опыт в реализации молодежной политики (В СТРАНАХ ЕВРОПЫ, США И ЯПОНИИ) Т.В. Ялялиева, Е.Е. Москвичева. 2016 г
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 27.06.2018 йилдаги ПФ-5466-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 07.06.2022 йилдаги 312-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 19.01.2022 йилдаги

ПҚ-92-сон.